



• 2008-yil • 19-fevral • Seshanba • 22 (27.827) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

«Бугун ёшларимиз қандай қадриятлар сари интилмоқда, қандай орзу-ният ва ўй-хаёллар билан яшамокда — биз бунга асло лоқайд ва бефарқ қарамаслигимиз керак. Ота-она, устоз-мураббий, етакчи-раҳбар сифатида бу жараённи четдан туриб қузатишга ҳаққимиз йўқ».

ЎЗХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

«Ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон ва унинг манфаатлари учун». Бу давлат маънавиятимизда ҳаётга изчил татиқ этилмоқда ва унинг самараларини бугун ҳаммамиз кўриб турибмиз. Яқинда Президент Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишироғига бағишланган Вазирлар Маҳжаси мажлисидаги маърузасида айтилган шундай ҳақиқат яна бир бор ўз тасдиғини топди. Маърузада белгиланган устувор вазифалар ҳеч биримизни бефарқ қолдирмаслиги, қалбимизда дахлдорлик ҳиссини уйғотиши, шубҳасиз.

Устувор вазифалар

бажарилишини таъминлаш нафақат давлат, балки жамоат ташкилотлари, жумладан, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ҳам асосий вазифасидир, дея алоҳида таъкидланди партия Марказий Кенгашида бўлиб ўтган давра суҳбатиди.

Шу боис, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳузуридаги сиёсий семинарда Президентимизнинг маърузаси асосий қондаларини партия электорати орасида тарғиб қилиш, тушунтириш ва уни амалга оширишда иштирок этиш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбирда ЎЗХДП Марказий Кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, партия Тошкент вилоят ва шаҳар фаоллари, туман кенгашлири раислари, халқ депутатлари Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, МК масъул ходимлари ва экспертлари, БПТ етакчилари иштирок этдилар. Маърузачилар — ЎЗХДП МК раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева, Қонунчилик палатаси депутати Улуғбек Вафоев ҳамда муҳокамада қатнашган фаоллар ўтган йил давомида иқтисодий ёнимизда, умуман, ижтимоий-

сиёсий ҳаётнинг турли соҳаларида, жамиятимизда рўй берган ўзгаришлар, жорий йилдаги ижтимоий ва иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишлари ҳақида сўз юритди. Утган йили мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори суръатлар билан ўсиши, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш бўйича қўлга киритилган ютуқлар, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида умумий дастурлар муваффақиятли бажарилаётгани ЎЗХДП электорати манфаатига мос экани қайд этилди.

Давра суҳбати иштирокчилари эришилган буюк ютуқлар замирида самарали меҳнат, узокни қўллаб олиб борилаётган сиёсат турганини қайд этиди, буни электорат вакиллари, партия аъзолари ўрталарида кенг тарғиб қилиш ЎЗХДП ташкилотларининг навбатдаги муҳим иши эканини таъкидлади. ЎЗХДПдан сайланган маҳаллий Кенгашлар депутатлари, депутатлик гуруҳлари бу борада алоҳида

фаоллик кўрсатишлари, ўзларининг аниқ режаларига эга бўлиши лозим. Энг муҳими, амалга оширилган ишлар ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган энг муҳим йўналишлар негизда инсон манфаатларининг устуворлиги турганини партиямиз фаолларидан тортиб, ҳар бир аъзосига яхши англаб олиши, электоратимизга етказиши зарурдир, дейишди муҳокамада сўзга чиққанлар.

Муҳокамадор давомида ЎЗХДП Марказий Кенгаши аъзоси Абдуғаффор Қирғизбоев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Боймурод Юсупов, партия экспертлари гуруҳи аъзоси Маргарита Аҳмедбекова, Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси Учқун Шоймиқулов ва бошқалар ўзларининг фикр-мулоҳазалари ҳамда тақлифларини билдирдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.
Абдвисол ХАЙДАРОВ олган сурат.

Ташаббус ва таклиф

електорат манфаатларига мос қарорлар қабул қилиш ва уларнинг ижросини таъминлашда муҳим омилдир, — дейди халқ депутатлари Дўстлик туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Саидазим РУСТАМОВ

Покистон:

Кеча эрталабдан мамлакатнинг бутун ҳудудларида сайлов бошланди. Ҳукумат хавфсизликти таъминлаш юзасидан қаттиқ назорат ўрнатиш мақсадида 500 минг ҳарбийни сайловга жалб этди.



Сирдарёда футболга эътибор кучайди. Вилоятнинг ўз жамоаси қачон бўлади? Четдан футболчи чақирган маъқулми ёки...



2008 йил — Ёшлар йили

Ватанни таниш шарафи

Истеъдодни тарбиялаб, уни юзага чиқариш — тошда гул ундириш билан баробар. Чунки ҳамма замонларда ҳам чинакам иқтидор эгалари ҳаммаша муҳофазага, кўмакка эҳтиёж сезадилар.



Шу маънода, республикада ёшлар учун кенг имкониятлар яратилиб, уларга катта ишонч билдирилаётганини юртимизда улғу мақсадлар сари ташланган кўп қадамлардан бири дея эътироф этиш лозим. Маълум бўлишича, 30 ёшгача бўлганлар мамлакатимиз аҳолисининг 64 фоизини ташкил этар экан. Истиқлол йилларида ёшларни моддий ва маънавий жиҳатдан

қўллаб-қувватлашга қаратилган Фармон ва қарорлар, дастурлар ёшларимизнинг ҳаёт йўлларини топиб олишларида беқиёс аҳамият касб этмоқда. Улар учун таъсис этилган давлат муқофоти ва нишонлар, турли жамғарма ва танловлар, спорт мусобақалари аслида эртаниш эгаларига билдирилаётган ишонч ва маъсулиятидир. Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Кон-

ституцияси қабул қилинганнинг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидланганлидек: «Фарзандларимизга нафақат ишонч билдириш, балки уларга ўзини амалда намоён этиши учун майдонни кенгайтириш керак».

2-бет

Анжуман

Ўзбекистонда халқаро олимпиада ўтказилади

Таълим соҳасида Ўзбекистон эришган ютуқлар бугун дунё илм-фан аҳли эътироғига сазовор бўлди. Ҳар томонлама чуқур билим ва салоҳиятга эга ёш авлоднинг тарбиялаш бора-борда илм ислохотлар ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон фарзандларининг сўнгги йилларда халқаро миқёсдаги ютуқларини ҳисобга олиб, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети ректори, академик В.Садовничий 42-халқаро Менделеев олимпиадасини Тошкентда ўтказиш бўйича ташкилий қўмита раиси, халқ таълими вазири Туробжон Жўраев билан учрашдилар. Шундан сўнг

улар олимпиада ўтказиладиган М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети филиалида амалга оширилаётган ишлар, пойтахтимиз мактабларида ўқувчилар таълим-тарбияси учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

Ташриф давомида Собир Рахимов туманидаги 28-мактабда матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда меҳмонлар Ўзбекистонда бунёд этилаётган замонавий таълим масканлари таҳсинга сазоворлиги, ҳатто энг ривожланган давлатларнинг кўпчилигини бундай мактаблар йўқлигини айтиб, ҳайратларини яширмадилар.

Бугунги таассуротларимнинг чеки йўқ. Юртингизнинг таълим соҳасидаги ютуқларини кўриб, Ўзбекистон халқаро олимпиада ўтказишига ҳар томонлама муносиб эканлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим, — дейди МДУ профессори В.Найденко.

Матбуот анжуманида шу йил 28 апрель — 4 май кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтаётган халқаро Менделеев олимпиадасининг ташкилий жиҳатлари, иштирокчи давлатлар жамоалари ҳақида сўз борди, журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ
Суратда: тадбирдан лавҳа.
Абдвисол ХАЙДАРОВ олган сурат.



Фракция фаолияти

Одам савдосига қарши

қонун лойиҳаси муҳокама этилди

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Депутатлар Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритиладиган «Одамлар савдосига қаршилик кўрсатиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Мазкур лойиҳа юзасидан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Фахриддин Ражабов маъруза қилди. БМТ Бош Ассамблеяси 1949 йил 2 декабрда қабул қилган Одамлар савдосига ва учинчи шахслар томонидан фоҳишабоз-

ликдан фойдаланишга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция ҳамда 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенция мамлакатимиз парламенти томонидан 2003 йилда ратификация қилинган. Мазкур Конвенцияларга қўшилиш натижасида юртимизда одамлар савдосининг олдини олиш бўйича ишлар янада кучайтирилди. Ушбу муҳим жиноятларга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган чораларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида мазкур қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ҳужжатда одамлар савдосига қаршилик кўрсатишнинг аниқ мақсад ва вазифалари, асосий принциплари, одамлар савдогарларига жазонинг муқаррарлиги, одамлар савдоси қурбонларини қамситмаслик, хавфсизлигини ҳамда улар билан адолатли муносабатда бўлишни таъминлаш ва бошқа меъёрлар белгиланган. Уюшган жиноятчиликнинг трансмиллий, одамлар савдосини ташкил этиш даражасига чиқиши одамлар савдосига қаршилик кўрсатиш фаолиятида турли давлатлар ҳамкорлигининг реал заруратини туғдир-

ди. Шу муносабат билан лойиҳада халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш назарда тутилмоқда. Одамлар савдоси қурбонларини ҳимоя қилиш ва уларга тиббий, психологик, ижтимоий, юридик ва бошқа ёрдам кўрсатиш мақсадида одамлар савдосига қаршилик кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи махсус муассасаларни ташкил этиш, одамлар савдоси қурбонларини ижтимоий реабилитация ва ҳимоя қилиш бўйича яхлит чоралар белгиланмоқда. Айни пайтда мамлакатимиз ҳуқуқий муҳофаза қилиш

органлари томонидан бу борада кўпгина ишлар амалга ошириляпти. Қонуннинг қабул қилиниши ушбу жараёнларни янада такомиллаштиради. Таъкидлаб ўтилдики, бу нафақат ҳуқуқий, балки сиёсий, профилактик ҳужжатдир. Ўзбекистонда бундай қонуннинг қабул қилиниши одам савдосига қаршилик кўрсатиш тўғрисидаги алоҳида қонунга эга бўлмаган давлатларни ҳам шундай қонун қабул қилишига чорлайди.

Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритиладиган «Давлат муқофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Респуб-

ликаси Қонунининг 16-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»ги Қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Мазкур лойиҳа юзасидан Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Акрам Каримов маъруза қилди. Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фахрий унвонлар учун тўловлар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан ишлаб чиқилган. «Давлат муқофотлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, фахрий унвонлар давлат муқофотлари қаторига кириди. Мазкур Қонуннинг 16-моддасига асосан давлат муқофотлари билан тақдирланганлар тегишли имтиёزلардан фойдаланади ҳамда бир марта бериладиган пул муқофоти ёки есдалик совғаси олади.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI AXBOROTI

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 19 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматидаги қийматини белгилади.*

| | | | |
|------------------------|---------|-------------------------|---------|
| 1 Австралия доллари | 1169,47 | 1 Польша злотийси | 523,76 |
| 1 Англия фунт стерлини | 2536,50 | 1 СДР | 2042,36 |
| 1 Дания кронаси | 253,20 | 1 Туркия лираси | 1070,59 |
| 1 БАА дирхами | 352,82 | 1 Швейцария франки | 1175,93 |
| 1 АҚШ доллари | 1295,52 | 1 ЕВРО | 1886,41 |
| 1 Ислр фунти | 235,85 | 10 Жанубий Африка ранди | 13,71 |
| 1 Исландия кронаси | 19,18 | 10 Япония йенаси | 120,55 |
| 1 Канада доллари | 1295,78 | 1 Россия рубли | 52,49 |
| 1 Хитой юани | 180,27 | 1 Украина гривнаси | 256,54 |
| 1 Малайзия рингити | 400,46 | | |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

2-бет

ЎзХДП депутатлик гуруҳлари фаолиятидан

Ташаббус ва таклиф

электорат манфаатларига мос қарорлар қабул қилиш ва уларнинг ижросини таъминлашда муҳим омилдир, — дейди халқ депутатлари Дўстлик туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Саидазим РУСТАМОВ

— Ташаббускор депутатлари миз ишончли оқлашга ҳаракат қиляпти, — дейди ЎзХДП туман кенгаши раиси Камолддин Эгамов. — Партиямиздан номзоди кўрсатилиб, туман Кенгашига сайланган 9 нафар депутатимиз электоратимиз манфаатларига даҳлдор муаммоларни ҳал этиш юзасидан аниқ таклифлар билан чиқшмоқда, ташаббус кўрсатишмоқда. Натижада халқ депутатлари туман Кенгаши сессияларида партия мизнинг дастурий мақсадларига мос ўнлаб масалалар кўриб чиқилиб, улар асосида муҳим қарорлар қабул қилинмоқда.

Мисол учун, ўтган йилнинг март ойида бўлиб ўтган халқ депутатлари туман кенгаши сессиясини олайлик. Унда фуқароларнинг муҳаббатлари ва депутатлар гуруҳи тавсиясига кўра, Дўстлик пахта тозалаш корхонасида технология талабларига амал қилинаётгани сабабли атмосферага чиқиб кетган чиқиндилар миқдорининг меъёрдан ошганининг олдини олиш масаласи муҳомага қилинди. Баҳс-мунозара ва тортишув асосида ўтган муҳомадан сўнг бундай номақбул жараёнга барҳам беришга қарор қилинди. Депутатларнинг маъруза қарор ижросини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари натижасида корхона раҳбарияти цехларда атмосферага чиқарилаётган зарарли моддаларни камайтирувчи махсус ускуналар ўрнатди.

Ўтган йилнинг сентябрь ойида ҳам ХДПдан сайланган депутатларнинг ташаббуси ҳамда гуруҳнинг қатъияти билан кўтарилган масала туман кенгаши сессияси кун тартибига киритилди ва ҳудуддаги «FORA Seatoods» Ўзбекистон — Туркия

қўшма корхонаси фаолиятига доир масала атрофлича ўрганиб чиқилди. Бунинг самараси ўлароқ, корхонанинг ишлаб чиқаришдан ҳосил бўлаётган оқова сувлари ён-атрофдаги хонадонларга салбий таъсир кўрсатиши бартаф этилди. Бу ҳақда қарор чиқайдан сўнг унинг ижроси юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилди ва қўшма корхонага яқин жойлашган ўнлаб хонадонлар чиқинди аралаш оқова сувнинг зарарли таъсиридан ҳалос бўлди.

— Бугун депутат зиммасига катта масъулият юқланган, — дейди партиямиз фаоли, «Би-нафша» мактабгача таълим муассасиси раҳбари, туман кенгаши депутаты Солиа Қулбоева. — Аввало, у ўзини ваколатли органга вакил этиб сайлаган фуқароларнинг ишончли оқлаши лозим. Яширишга не ҳоҳат: шундай депутатлар ҳам борки, ҳокимликлар билан муносабатларини бузиб қўйишдан хайимикдорнинг меъёрдан ошганининг олдини олиш масаласи муҳомага қилинди. Баҳс-мунозара ва тортишув асосида ўтган муҳомадан сўнг бундай номақбул жараёнга барҳам беришга қарор қилинди. Депутатларнинг маъруза қарор ижросини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари натижасида корхона раҳбарияти цехларда атмосферага чиқарилаётган зарарли моддаларни камайтирувчи махсус ускуналар ўрнатди.

— Саидазим Рустамовдан кўп нарсаларни ўрганишга тўғри келяпти, — дейди депутатлик гуруҳининг яна бир аъзоси, туман санитария-эпидемиология маркази бош шифокори Мама-

рахим Эрмонов. — Хусусан, аҳиллик билан ҳаракат қилиш, кези келганда ташаббускор ва талабчан бўлиш, масалаларни долзарблигига кўра муҳомага олиб чиқиш, керакли жойларда партиямиз нўқтаи назарини қатъий ҳимоя қилишини уйдасидан чиқариш миз этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Бундан ташқари, партиямиз аъзолари, бошқа фуқароларнинг 29 та оғзаки, 16 та ёзма муҳаббат мутасадди идоралар кўмагида ижобий ҳал этилди.

— Бизнинг мақсад ва вазифаларимиз аниқ, — дейди Саидазим Рустамов. — Бунга амалга оширишда зиммасидаги бurch ҳамда масъулият ҳиссини тўла англаб ишлаш, ҳар қайси депутат ва депутатлик гуруҳидан фаол, ташаббускор, қатъиятли бўлиш талаб этилади. Бугун биз сўл сиёсий партия вакиллари сифатида ҳар қачонгидан кўра кўпроқ гайрат ва ташаббус кўрсатишимиз зарур. Шундангина ваколатларимиз доирасида ўзимизга хайрихоҳ бўлган одамларнинг кўнглини йўл топамиз, уларнинг ҳаётий манфаатларига даҳлдор қарорлар қабул қилинишига эришамиз. Шу билан бирга, жойларда уларнинг ички ба- жарилишини таъминлаш ҳам биз — депутатларнинг вазифаси ҳисобланади.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.

Экофорум

Кунни кеча «Экосан» халқаро ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида «Глобаллашув ва экологик таҳдидлар шариотида ёшларнинг рақобатбардошлиги — ютуқлар омил» мавзусида экофорум бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар, илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлиари, жамоат ташкилотлари вакиллари, ёш олим ва мутахассислар, талабалар, журналистлар иштирок этишти.

Ёшларнинг рақобатбардошлиги муҳим аҳамиятта эга

Форумда сўзга чиққан «Экосан» халқаро ташкилоти раиси Юсуфжон Шодиметов глобаллашув ва экологик таҳдидлар даврининг тенденцияларини изоҳлар экан, глобаллашув инфоомация ва коммуникация, иқтисодиёт бозори, технология ва интеллектуал маҳсулотнинг тезкор алмашуви содир бўлаётган ағона майдондир, деб таъкидлади.

Интернет, мобил телефон тизимларининг ривожланиши дунёда ахборот ва интеллектуал маҳсулотлар тарқалишини эркинлаштирди. Мамлакатлар ягона унификацияланган сертификация ва стандартлар тизимларини ривожлантирмоқда. Халқаро савдо, инвестицион лойиҳалар ҳажми ортиб бораёпти.

Ана шундай шариотда рақобатбардош ёшларни тарбиялаш муҳим аҳамиятта эга.

Айниқса, экологик муаммолар дунёда глобал тус олаётган экан, уларнинг олдини олиш борасидаги ҳаракатларга ёшларни кўпроқ жалб этиш керак. Ёш иختирочи **Тошкент автомобиль-йўллар институти магистранти Дилшод НАБИЕВ** тадбир кўрсатимизда Электро мобил автомобилини намойиш этгани фикримизнинг тасдиғидир.

— Ҳозирда деярли барча автомобиллар ўзидан захарли газлар чиқариб, ҳавони ифослантиради, инсоният маълум миқдорда захарланмишга сабаб бўлади, — дейди Дилшод. — Шу боисдан экологияга умуман зарар етказмайдиган бу автомобилни такомиллаш-

Ватанни таниш шарафи

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакату миллатимиз шаъни-шарафини дунёга танитишда муносиб ҳисса қўшаётган Рустам Қосимжонов, Аббос Атоев, Абдулла Тангриев, Тоҳиржон Асқаров, Юлдуз Ҳамроқулов ва каби юртининг ўнлаб, юзлаб асл фарзандлари ва уларнинг минглаб фидойи издошлари борлиги бизга қувонч бахш этади.

Минтақанинг улкан салоҳиятга эга давлати дея эътироф этилаётган Ўзбекистон тарихан ҳам бу мавқега эъ қўлида тутиб келган. Дину маданиятга кўч-қудрат бахш этган, жаҳон фани ва тараққотида катта таъсир кўрсатган аждодларимиз кўни бугун ёш вужудларда оқмоқда. Устоз Абдулла Орипов «Генетика» шеърларида айтганидек:

Барчага баробар мерос бу башар, Отадан қош-кўзни олган ўғилдек, Билмадим қонимда қай аждод яшар, Балки Бобо Кайфи, балки Улугбек...

Пойдевори мустаҳкам биного дараз кетмайди. Халқимизнинг минг-минг йиллик тарихи, маънавий меросимиз, имон ва адолатга таянган аждодларимиз ўғити истиқлол иморатининг мустаҳкам асосидир. Атрофга теран назар солсак, аён бўладики, ер юзиде давлат бўлиб уюлмаган халқлар бисёр. Тили ва маданиятини деярли унутган эллар оз эмас. Демак, ёшларимиз истиқлол улуг неъмат эканлигини, дунёда Ўзбек давлати жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида эъ мавқега эга эканлигини дилдан ҳис қилишлари шарт. Ватан билан гурурланиш, унинг бир узвий парчаси сифатида ўзликини англаш ҳам улуг саодат.

Очик эътироф этадиган бўлсак, биз қундалик тарғиботда самарали усуллардан фойдаланиб, миллий истиқлол госянининг асосий тушунчаси сифатида Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, Халқ фаровонлиги голяларини ҳар бир мурағ қалбга муҳрашимиз лозим. Бунинг учун ёш авлодга Ватан тарихини чуқур ўргатишимиз, Ўзбекистонимизнинг ҳар бир тарихий манзилгоҳига саёҳатлар уюштириб, бундай жаннатмонанд ўлкаларнинг ҳар бир улуг зибратгоҳларини, тарихий ва замонавий жойларини ўз кўзлари билан кўришлари имконият яратилиши уларга фақат ва фақат гурур-ифтихор бағишлайди. Токи қоракалпоқ йилит Фарғона эъ овулдай сўйсин, Навоийнинг Учқудғида истиқомат қилаётган Успирин Тахтақорача довоининг тошларини тарихим дегин, хоразмлик сулув қиз Сурхоннинг Ботоботига меҳр қўйсин. Ватанни таниш ана шундайгина юракларга кўчади, хайрат гурурга айланади. Ватанпарварликнинг муқаддимаси аслида шу эмасми? Ўшандагина юрт тарихини, сараҳдларини беш қўлдайд еддан биладиган навҳиол Муқанна аёлми ёки эркак дея қаловланмайди...

Ёшлар хулқида иллатлар кўпайиб кетаяпти, деган фикрлар қўлоққа чалиниб қолади. Бу гапларда ҳам жон бор. Энг ёмони, иллат юқумли бўлади. У фазилатга нисбатан тез томир отади, шохлаб кетади. Уричи кетган иллатни куришти оғир кечади. Аксарият ёшлар ўзларида пайдо бўлаётган қусурлар руҳларини емириб, қалб кўзини ёпиб қўяётганини афсуски, англаётгани йўқ. Улар бугун нимани ўрганиб, нимага эргашаётган бўлсалар, эрта бир кун ўша нарсани келажақ авлодга мерос қолдиради. Бу нийотда жиддий эстафета. Халқимизда «Ўзини сақлагани Худо ҳам сақлайди», деган гап бор. Маъноси, теваарак-атрофга ҳушёр боқиб, дўсту душмани аҳрата биладиган закийлар истиқбол пиллапоғларидан юкориға кўтарилаверадди.

Шарқона тарбияга кўра, мўйсафидга ёш бир йилитнинг ақл ўргатиши айб саналади. Ёши улуг одамларга ҳайёт даридадан сабоқ бериш ёхуд одамлар олдин гап бошлаш миллий тарбиямизга ётдир. Аммо бугун ҳайёт тез ва аниқ ҳаракату ҳулосани талаб қилаётган экан, биз ёшларга ҳадеб шовилмағлик ҳақида насиҳат қилиб турсак, нима ютамузу нимадан ютқазамиз?

Қадимийлар ёшлиқни жунун фасли деб ҳисоблашган. Бу ўринда «жунун» сўзи шиддат, завқ-шавқ маъносиде қўланилган. Чунки ёш йилит ёки қиздаги энергия, руҳий ҳолат, ички диворақлик беқибёс даражада бўлар экан. Бир жиҳатдан

ёшлик яратувчанлик, иждорлик даври ҳам ҳисобланади. Ҳазрат Мир Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Қўллон, Усмон Носир, Ойбек, Абдулла Орипов иходиде йилитлик фасли хайратомуз асарлар туҳфа қилганини кўраемиз. Ана шу ўлчовдан келиб чиқиб, бугунги ёшларнинг мақсад-интилишларига назар ташласак, айрим жиҳатлардан кўнгли хавотирга тушади. Турли FM радиоларида савол-жавобга қурилган интеллектуал ўйинлар бор. Бу яхши, албатта. Ёшлар уларни тинглаб, билмаганини ўрганади, билими ва дунёқараши бойийди. Аммо бир жиҳати жуда қулгули. Эътибор қўлсангиз, радиобошловчи саволни ўқигач, телефон орқали эфирга боғланган тинглоччи аввало вариант борми, деб сўрайди. Бунинг маъноси, жавоблар ўқилса-ю, таваскалға бирини айтса! Саволлар ҳам жуда жўн: «Қоракалпоғистон Республикасининг пойтахти...», «Уяли телефон нима учун керак?...» деганга ўхшаш. Яқинда радиобошловчилардан бири савол-жавоб асосида Алишер Навоий номдаги Санъат саройида намойиш этилган «18-кварт» кинофильми ҳақида сўраб қолди. Тинглоччи синглимиз ўйлаб-непиб ўтирмай: «Манга вообше ёқмади. Чеграми-ей... Солдатлар... Бир-бирини отишди... Кароче, серёбни кино экан. Бошим оғриб кетди», дея жавоб берди.

Изоҳга ҳожат бормикан? Ахир бу фильмнинг юрт қадр-қимматини англаш, ватанпарварлик руҳини сингдиришдаги ўрни беқибёслиги ҳусусида қанча самимий эътирофлар айтлаётган бир пайтда оммавий ахборот воситасининг бир тури сифатида талқин этилувчи радио-тўлқинлари орқали янграётган бундай енгил-ўгли муносабатга не деймиз? Бу каби ёшлар ҳашаматли ўйлар, қимматбах машиналар, қўшиқчилар иштирок этмаган кино томоша қила олмай диган даражага етди, десак, албатта хато бўлади. Чунки бундай савиядаги, қарашади ёшлар кўнчиликини ташкил этмаслиги аниқ. Лекин барибир уларнинг маънавий дунёсини бойитиш, жамиятга, ҳаятта бўлган қарашини шакллантириш ва энг муҳими, миллий маданиятимизга, халқимизга хос бўлган зғзуқли, инсонийлик фазилатларига бўлган ҳурмат-эътиромини тарбиялаш жиддий эътибор беришимиз керак.

Асримиз инфоомация ва замонавий технологиялар асри. Хабар шаклидаги билим улустов бўлиб бормоқда. Глобаллашув туфайли дунёнинг исталган нуқтаси билан алоқа боғлаш ва муносабатга киришиши мушкин. Ақл бовар қилмас даражада тезлашиб бораётган техника тараққийети даврида узокни қўлаб нури манзил ўйлар сари интилаётган ёшларимиз ота-боболари таҳрибасига суниши катта наф келтиради. Лекин бугунги истиқлол даврининг тажриба ва сабоқлари ҳам турли авлодлар тарбияси йўлида ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Тан олиб айтиш керак, шафқатсиз ва ўта мураккаб асримиз глобаллашув бўронида милли аънава ва қадриятларига содиқ қолган, тарихий илдизларидан узилмаган миллат болаларига жиддий зарба бера олмайди. Аксинча, кечаги кунини унутган, жуъртасиз ва тақлидчи авлодни ҳазон каби тўзғитиб юборади.

Миллатга хос барча фазилат ва сифатларни ўзида акс эттирадиган авлод ҳар қандай ички ва ташқи таҳдидлар қаршисида довдираб қолмайди. Икки-уч тилни пухта эгаллаган, дунёнинг илгор давлатларида таҳсил олиб, малака ошираётган озондлик фарзандлари юртга тиргаб бўлиб, унинг буюк келажагини албатта таъмин этади. Шу боис ҳам мамлакатимиз Президентини 2008 йилни **Ёшлар йили** деб эълон қилганларида уларга катта ишонч ва эҳтиром кўрсатиб, «**Фарзандларимиз, ёшларимиз нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг хал қилувчи кучидир**» дея таъкидлади. Демак, ёшларга давлат миқёсида шунча эътибор ва гамҳўрлик кўрсатилаётган экан, улар ҳам буюк саҳибага яраша шу азиз Ватаннинг муносиб фарзандлари бўлишлари керак.

Олим ТОШБОВЕ,
филология фанлари номзоди.

Одам савдосига қарши

қонун лойиҳаси муҳомага этилди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Юқоридеги Фармонда фаҳрий ўнвонлар эгаларига тўловлар ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджет ва маблағлари ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳўсибидан амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Шундан келиб чиқиб, лойиҳа билан Қонуннинг 16-моддасига фаҳрий ўнвонлар эгаларига тўловларни тайинлаш ва амалга оширишни назарда тутувчи қўшимча кири-

тиш таклиф этилмоқда. Биринчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 109-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси Шавкат Тешаев маъруза қилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2007 йил 12 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроекологик кўрсаткичлари прогно-

зи ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарорида 2008 йил 1 январдан бошлаб ташқи иқтисодий алоқалар билан шуғулланаётган жисмоний шахслар учун назарда тутилган божхона тўловларини тўлаш тартиби белгиланган эди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси 109-моддасининг учинчи қисми чиқариб ташланмоқда. Фракция йигилишида шунингдек, «Ветеринария тўғрисида»ги ва «Ўсимликлар каран-

тини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлариға ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Маъруза масала юзасидан Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзоси Қаҳқор Ибрагимов маъруза қилди.

Ушбу лойиҳа Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари Улуғбек Фавоев, Қаҳқор Ибрагимов ва Аграр, сув ҳўжалиги ва экология масалалари қўмитаси аъзоси бўлган бошқа депутат томонидан тайёрлаиб, парламент қўйи-

палатасига киритилган. Қонун лойиҳасига мувофиқ амалда бўлган қонунлардаги номуносивликларга барҳам бериш мақсадига тегишли ўзгартишлар киритиш назарда тутилмоқда.


Йигилишда, шунингдек, фракция фаолиятига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Қўн тартибидан ўрин олган барча масалалар юзасидан фракциянинг нўқтаи назари ишлаб чиқилди.

Бекзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири

Муносабат

«Ипак йўли» маркази иш бошлади

Самарқанд вилояти, Пастдарғом туманидаги «Мулламирзо» қишлоғида табиий, савдо ва маиший хизмат кўрсатишга ихтисослашган марказ фаолияти аҳолига катта қулайлиқлар яратмоқда



— Муҳтарам Юртбошимиз, 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юкнлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни янада эркинлаштириш ва рағбатлантириш бўйича атрофлича тўхталиб, ушбу соҳа доимий эътиборда, керак бўлса, ўз ҳимоясида эканлигини таъкидлади, — дейди «Мулламирзо» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Фулом Эргашев. — Шундай экан, бугун ислохотлар жараёнининг бош омиллари даражасида қаралаётган ҳусу-

сий тадбиркорлик чин маънода одамларни ўз муҳофазасига олмақда. Маҳалламиз фуқароси Шерали Умаров томондан ташкил этилган табиий, савдо ва маиший хизмат маркази маҳалланинг ўнлаб ишсиз ёшларини иш билан таъминлашга катта ҳисса қўшди. Қанийди, юртимизда шундай кишилар кўпаяверса. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси ҳўшнудлик билан тилга олган инсон Шерали Умаров бундан уч йил муқаддам ўзи туғилиб улғайган қишлоқ аҳлига кўп тармоқли хизмат кўрсатиш маркази бунёд этишга аҳд қилиб, туман ҳокимлигига таклиф билан кирди. Таклиф ҳокимликка маъқул келди ва унга барча зарур ёрдамлар берилди. Самарқанд — Жума — Каттақўрғон йўлининг шўндоққина ёнида қурилиши бошланган «Ипак йўли» табиий, савдо-маиший хизмат кўрсатиш маркази эндиликда нафақат Беклар, Мевади, Шакартепа, Мулламирзо қишлоқлари аҳолисига, балки бутун туман аҳолисиға ҳам хизмат кўрсатмоқда. Марказ аҳолига малакали табиий хизмат кўрсатишга ихтисослашган табиий муассасаси Германия, Россия, Корея ва Хитойдан келтирилган замонавий табиий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Шунингдек, бу ерда ҳаммом, 300 ўринли тўйхона, рестороан, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устaxonаси ва ёниги

Суратларда:
марказ биноларидан лаяҳазор,
Хусан Тўғизов
олган сўратлар

Шўхрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.



Китоб жавонингизга

Қадр улугъ, хотира азиз

Ўтмишда яшаб ўтган улугъ сиймолар — давлат арбоблари, саркардалар, олимлар, шoirлар, бошқа соҳа вакиллари ҳаёти ва фаолиятини тарих ҳужжатлари орқали ўрганиш бугунги авлод учун катта маърифий аҳамиятга эга. Шунингдек, ўтмишда ноҳақ жабрланган минг-минглаб кишиларнинг номларини тиклаш ва абадийлаштириш шунчаки илмий изланишларгина эмас, балки инсоний вазифа, виждоний бурчимиз ҳамдир.

Мустабид тузумнинг ўз халқи га нисбатан амалга оширган коллективлаштириш, қулоқлаштириш, сургун, сиёсий қатагонлар ва унинг фожиали оқибатлари хали-ҳанузгача халқимиз юрагини ўртади. Отаси, онаси, қавму қариндоши, аждодларининг ҳоки пойини таовф қилиш учун уларнинг изини излаб архивма-архив, шаҳарма-шаҳар, кутубхонама-кутубхона кезиб юрган ватандошларимиз қанча.

Бир замонлар «қулоқ», «муштумзўр», «халқ душмани», «социализм душмани», «ёт унсорлар» каби номлар билан атайлаб сиёсий қатагон гирдобига тортилган ватандошларимизнинг номлари бугунги кунда тарих зарваракларидан муҳим жой эгалламоқда.

«Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси, Андижон давлат университети, «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси томонидан нашрга тавсия этилган «Репрессия» (муаллифлар — Р.Шамсутдинов, Э.Юсупов, А.Мамажонов, Э.Дўстаматов) номли китобининг 3-жилди чоп қилиниши ана шундай ватандошларимиз хотирасини эъзолаш, руҳларини шод этиш йўлидаги хайрли ишларнинг давомидир.

Китобни ўқир эканмиз, унда 1937-1938 йилларда амалга оширилган «катта террор» сиёсатининг айбисиз айбдорлари, қурбонларининг қисматлари кўз олдимизда акс этади. Ушбу китобда 1927 йилда бошланиб, 1953 йилгача давом этган қатагон сиёсатининг авж нуктасига етган давр қурбонларининг номлари, уларнинг тутилган жойлари, қамоқ муддатлари, жазо турлари, қатагон қилинганларнинг тўлиқ рўйхатлари келтирилган.

Қўлимиздаги «Репрессия»нинг учинчи китобида Ўзбекистон ССР Ички Ишлар Халқ Комиссарлигининг №00447 сонли буйруғи асосида «чўчи» комиссияси томонидан амалга оширилган муҳим террор «айбдорлари» номлари битилган №33, №34, №35, №36, №37 ва №43 мажлис қарорлари киритилган. Уларда 1937 йилнинг 13 дан 28 ноябргача бўлган давр қайд этилган бўлиб, репрессияга уқраган 1611 (шулардан 278 таси отувга ҳукм қилинган, 17 таси озод қилинган, қолганлари 8 ва

10 йил муддатга қамоққа олиналган) нафар ватандоши-мизнинг қисқа тархимаи ҳоллари, «жиноят» айбномалари, касб-корлари, жазо турлари ёзилган.

Бу кишиларнинг ижтимоий тарихи ҳам ўрганилган: уларнинг 811 таси (50,5%) «қулоқлар», 207 таси (13%) ишчи ва меҳнатқашлар, 138 таси (8,6%) диндорлар, 240 таси (15%) аниқ машғулот бўлмаган шахслардир.

Ушбу қарорларда нафақат ўзбекистонлик фуқаролар, балки Тожикистон, Қирғизистон, Қозғистон, Россия ва бошқа давлатларнинг фуқаролари исмлари ҳам баён қилинган.

Мазкур китобнинг ўрганишга қўлайлик томони шундаки, мажлис қарорлари хронологик кетма-кетликда киритилган, шунингдек, кишиларнинг исм-шарифлари ҳам тартиб рақами билан белги-ланган. Қолаверса, ҳар бир шахснинг тутилган йили, жойи, райони, хизмат вази-фаси, айби ва жазо тури аниқ-равшан қилиб кўрсати-лган. Бу эса муаллифлар ки-тобни яратишда архив мате-риаллари, чет эл кутубхона-лари, музейлари материал-ларидан кенг фойдаланган-ликларидан даролат беради.

**Хуриш ҚУРБОНОВ,
ЎзХДП фаоли.**

Болалар футболи

Очиги, сўнгги йилларда футбол бўйича Сирдарё вилоятининг кўрсаткичлари кескин пасайиб кетди. Бир пайтлар «Янгир», «Пахтачи» номлари билан доғруқ қозongan жамоаларни фақат эслаш мумкин, ҳоло, Республика мусобақаларида вилоят шарафини ҳимоя қилиб келган «Сирдарё» футбол жамоасининг ҳатто биринчи лигадан ҳам тушиб кетганини етмагандай, тарқатиб юборилгани ишқибозларга қандай таъсир қилганлигини таърифлашга сўз очиб, Вилоятда унинг-ўсган бир қатор таниқли футболчилар бугун бошқа жамоаларда тўп суришмоқда.

Сирдарёнинг ўз жамоаси бўлади...ми ?

Бундай аҳвол табиийки, вилоят раҳбарларини ташвишга солиб қўйди. Ҳўш, нима қилиш керак? Балки футбол мутахассисларини турли жойларга юбориб, футболчи танлаш ва биронта профессионал футбол жамоаси тузиш керакдир? Бироқ бу ўз-ўзидан бўлмайдй. Жамоага жалб қилинувчи ўйинчиларга шунга яраша шарт-шароит яратиш, энг муҳими, шартномавий тўловлар учун катта маблағ ажратиш лозим бўлади. Бундан ташқари, четдан келган ўйинчилар энди бир натижага эришай деб турганда, яхшироқ тўлов эвазига бошқа жамоаларга кетиб қолма-ликин, қозғистон, Россия ва бошқа давлатларнинг фуқаролари исмлари ҳам баён қилинган.

Мазкур китобнинг ўрганишга қўлайлик томони шундаки, мажлис қарорлари хронологик кетма-кетликда киритилган, шунингдек, кишиларнинг исм-шарифлари ҳам тартиб рақами билан белги-ланган. Қолаверса, ҳар бир шахснинг тутилган йили, жойи, райони, хизмат вази-фаси, айби ва жазо тури аниқ-равшан қилиб кўрсати-лган. Бу эса муаллифлар ки-тобни яратишда архив мате-риаллари, чет эл кутубхона-лари, музейлари материал-ларидан кенг фойдаланган-ликларидан даролат беради.

**Хуриш ҚУРБОНОВ,
ЎзХДП фаоли.**



Жалб этилганлиги диққатга сазовордир. Чўнони, «Намуна» жамоаси устози Ҳақим Шарипов айни вақтнинг ўзида олий лига ўйинларида ҳақамлик қилади, «Гулистон» ёш футболчилари мураббийи Алексей Лушин бўлса, профессионал футболда 20 йилдан охиқ тажрибага эга. Шунингдек, «Ешлик» жамоаси устози Ҳасан Эргашев, «Динамо», «Ешкуч», «Истиклол» жамоалари мураббийи Маҳмуд Абдураҳмонов, «Навбахор» жамоаси устози Юрий Ким, «Умид» жамоаси мураббийи Зафар Пардаевлар ҳам ўз шогирдларини футбол фидойиларига ҳолиқ билан ўйин-ларга тайёрламоқдалар. Тажрибадан маълумки, қўйинчилардан нолиган ташкилотчи футболда ҳеч қачон тайин бир натижа-га эришмаган. Бир гуруҳ мута-садди раҳбарлар, футбол мута-хассислари билан сўбатимизда ҳам шу нарса таъкидланди.

— Футболмиш эртаси учун умид уйғотадиган энг асосий ийлик шук, бугун болалар фут-болига деярли барча мутасадди ташкилотлар хайрихолик қили-шапти, — деб изохлайди ҳақам-лар хайъати аззоси Климент

— Яқунланган йил натижаларига кўра, ўзини кўрсатган умидли футболчилардан 20 нафарини танлаб, вилоят фут-бол мактабига жалб етдик, — дея қўшимча қилди мураббий Ҳақим Шарипов. — Улар энг ма-лакали футбол мутахассислари-дан таяллим олишади. Яқин вақтларда футбол мактабимиз тарбияланувчилари «Пахтакор», «Насаф», «Навбахор» футбол клублари ҳузурида тарбияла-наётган тенгқурлари билан кўч синаша бошлайдилар. Шу тариқа ҳам чиниқадилар, ҳам амалий тажриба орттирадлар.

Спортнинг бир темир қоидаси бор: умидли кадрлар яхши танланмаган жойда келажақ йўқ. Болалар футбол лигаси ташкил қилинганлигининг ўзи бу соҳа-даги оқшаёларга чек қўйиш йўли-даги биринчи дадил қадам, де-сак янглишмаймиз. Қувонарли-си шундаки, вилоят болалар футболчининг тақдирига бир қатор ташкилотлар, ҳатто хусу-сий тадбиркорлар ҳам бефарқ эмас. Вилоят «Маҳалла» жам-ғармаси раиси Шавқиддин Мирзаев, Гулистон шахри тад-биркорлари Бахтиёр Райимов ва Бахтиёр Нуъмоновлар бу соҳада намуна кўрсатиб, бола-лар футбол жамоаларига би-ринчилар қатори ёрдам қўлини чўздилар.

Сирдарёда болалар футболчи-га бўлган муносабат яхши то-монга ўзгараётганини қайд этиш билан бирга бу айрим ташки-лотларнинг ёки мутахассислар-нинггина эмас, барчамизнинг, хусусан мактаблар, қишлоқ ва маҳалла фаолларининг ҳам кун-далик ишига айланишини истар-дик. Айтишларича, Бразилияда-ги энг чекка, қолоқ қишлоқда ҳам агар биронта хонадонда футбол тўпи бўлмаса, ўят ҳисоб-ланар экан. Бизда ҳам футбол жамоаси йўқ маҳаллани энг қолоқ деб ҳисоблаш фурсати келмадиммикин?

**Мунаввар ПАРДАЕВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.**

2008 йил — Ёшлар йили



Республика рассомлик коллежда таҳсил олаётган 850 нафардан ортиқ йигит-қиз бу ерда рассомлик, графика, ўймакорлик, пардозчилик, хайкалтарошлик, костюмерлик касбларини ўрганоқда.

Коллежда иқтидорли болалар ўрта мактабининг тўққизинчи синфини битиргач, қабул қилинади.

Коллеж ташкил этилганидан буён унда юзлаб мўйқалам усталар етишиб чиқди. Масалан, коллежининг 29 нафар битирувчи-си Ўзбекистон Бадий академиясининг академиги мақо-мига эришган. Бу эса таълим

масканида ёш истеъодлар-ни қўллаб-қувватлаш, улар-нинг иқтидорини юзага чи-қаришга алоҳида эътибор қаратилиб, беқийёс ғамхў-ликлар кўрсатилаётгани на-мунасирид.

Суратларда: хайкалтарошлик бўлимининг 3-курс талабаси Фазилиддин Лутфуллоев; халқ мусика асбоблари бўлими ўқитув-чиси Олимхўжа Мелихўжаев шогирди Ҳикмат Комилов билан.

Интер-спорт

Валуевнинг кутилган ғалабаси

Германиянинг Нюрнберг шаҳрида профессионал боксининг WBA (Бутунжаҳон бокс уюшмаси) версияси бўйича ўта огир вазн тоифасида россиялик Николай Валуев ҳамда белоруссиялик Сергей Ляхович ўртасида жанг ўтказилди. Ун икки раунд давом этган баҳсда россиялик боксчи очколар (120:108, 120:108 ва 120:107) ҳисобида ғалаба қозонди.

Ушбу учрашув олдида кўпчи-лик Валуевнинг ютуғига шубҳа қилмаётганди. Жумладан, бокс-чиларнинг биргина вазнидаги тафовутнинг ўзиёқ «рус гига-нти»нинг имконияти юқори экан-лигини кўрсатарди. Учрашув ав-валидаги тарозни кўрсаткичига кўра, Николай Валуев 146 кило-грамм тош боғсан бўлса, унинг рақиби вазни эса 113,8 кило-граммини ташкил этди. Гарчи,

дастлабки раундни Сергей Ляхович биров фаолик билан бошлаган бўлса-да, қолган бўлимларда ташаббусни Валуевга бериб қўйди.

Бу ғалаба Николай Валуевга WBA йўналиши бўйича олтин ка-мар учун амалдаги жаҳон чем-пиони Руслан Чагаевга қарши реванш жанги ўтказиш ҳуқуқини беради. Едингизда бўлса, ўтган йилнинг апрелида ҳамортимиз



айнан Валуев устидан зафар қучиб, жаҳон чемпиони унвони-га сазовор бўлган эди. Руслан Чагаев шундан сўнг, ўтган ойда буюк британиялик Мэтт Скел-тонга қарши рингга чиқиб, ра-қибини очколар ҳисобида мағ-лубиятга учратганди.

Гиёҳвандлик — иллат

«Ажал балоси»

гирдобига йўлиққан афғонистонлик Муҳаммадшокир Худойназар 11 килограммдан ортиқ «опий» гиёҳвандлик моддасини мамлакатимиз ҳудудига олиб кираётганда қўлга олинди.

Ўтган йилнинг 29 июлига ўтар кеча-си. Соат миллари 23 дан ошган. Одам-лар ширин уйқуда. Осмон чарақлаган юлдузга тўла. Амударё ўз ўзани орқали сокин оқмоқда. Ана шундай суку-натга қўшни давлатдан ватанимиз чегаралари сари ошиқаятган резина қайиқнинг саси даҳл қилаётганди. Аф-ғонистонлик Муҳаммадшокир ўз ватан-дошлари «юк»ини Ўзбекистон ҳудуди-га ўтказиб берса, вассалом. Ваъда қилин-ган 100 долларни олади. Таниши Раҳ-монбердиннинг уйда бўлган гурунгда шунга келишилган. Раҳмонбердиннинг

уқаси Фаффор бу ишни якка ўзи ба-жармаслигини айтган, Муҳаммадшокир рози бўла қолди. Хуллас, оғуфруш тун-нинг қоқ яримда «сафар»га отланди. Қўлбола қайиққа ортилган 11 килодан ортиқ «опий» гиёҳвандлик моддаси би-лан кирғоққа яқинлашганда...

Ватан остонасини муқаддас деб бил-ган чегарачиларимиз эса сергак ва хўшёр. Улар қабих ниятда келаётган «қутилмаган меҳмон»ни шу заҳотийёқ қўлга олишди. Шундай қилиб, Бў-талвасасига йўлиққан яна бир афгон оғуфрушининг пайи қирқилди. Суд-

кимёвий экспертизасининг хулосаси-да Муҳаммадшокир Худойназардан олинган тўқ жигарранг модда тарки-бида гиёҳванд моддалар борлиги аён бўлди. Унинг умумий миқдори эса 11 килограмм, 49 грамму 25 миллиграмм эканлиги ҳам аниқланди.

Жиноят жазосиз қолмайди. Муқад-дас ватанимиз тупроғига ёмон ниятда келган «меҳмон» амалдаги қонуларни-мизга биноан ўз қилмишига яраша жа-зосини олди.

**Абдумалик ХАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.**

Қутилмаган меҳмон»ни шу заҳотийёқ қўлга олишди. Шундай қилиб, Бў-талвасасига йўлиққан яна бир афгон оғуфрушининг пайи қирқилди. Суд-



| | |
|---|----------------------------------|
| BOSH MUHARRIR: | |
| Safar OSTONOV | |
| TAHRIR HAY'ATI: | |
| Abdulla ORIPOV | Latif G'ULOMOV |
| Asliddin RUSTAMOV | Bobir ALIMOV |
| Sharbat ABDULLAYEVA | Turobjon JO'RAYEV |
| Feruz NAZIROV | Murodulla ABDULLAYEV |
| Ulug'bek MUSTAFOYEV | Norqobil JALIL |
| (Bosh muharrir o'rinbosari) G'affer HOTAMOV | |
| (Bosh muharrir o'rinbosari) Muslihidin MUHIDDINOV | |
| Nomoz SA'DULLAYEV | |
| Svetlana GERASIMOVA | |
| Andrey KUSTOV | |
| Ochilboy RAMATOV | |
| Saidahmad RAHIMOV | |
| MUASSIS: | |
| O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI | |
| BO'LIMLAR: | |
| Partiya hayoti | 233-10-13 |
| Madaniyat va sport | 233-69-45, 233-21-43 (Tel. Faks) |
| Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot | 233-20-36, 233-44-55 |
| Jamoaatilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot | 233-12-56 |
| Mas'ul kotib | 233-72-83, 232-55-17 |
| Reklama va e'lonlar | 233-38-55, 233-47-80 |
| VILOYAT MUXBIRLARI: | |
| Andijonda — | 25-32-70 |
| Buxoroda — | 222-10-92 |
| Gulistonda — | 25-22-32 |
| Jizzaxda — | 5-49-85 |
| Navoiyda — | 223-83-73 |
| Namanganda — | 6-43-43 |
| Nukusda — | 222-70-15 |
| Samarqandda — | 35-20-54 |
| Urganchda — | 222-51-35 |
| Farg'onada — | 26-43-62 |
| Denovda — | 8-37641-23-780 |
| MANZILIMIZ: | |
| 100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz | |
| Navbatchi: Mirobxtiyor MIRFAZIZYEV | |
| Gazeta «O'zbekiston ovozinin kompyuter markazida terilidi va sahifalandi.» | |
| Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV Sobirjon TUNG'ATOV | |
| «Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. | |
| Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta shehanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahriyot ruxsati bilan amalga oshiriladi. G — 149 15628 nusxada bosildi t — Tijorat materiallari O'zA yakuni — 21.10 Topshirilgan vaqti — 22.45 1 2 3 4 5 6 7 Satovda erkin narxda | |